

БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ

“Ориент Финанс” ХАТБ, бундан кейин бир томондан, Банк деб аталади, ва Корхона, бундан кейин Мижоз деб аталади, Банк ҳисоб варағи шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) Фуқаролик кодексининг 360-моддасига мувофиқ, унга қўшилиш йўли билан қабул қилишни шартномага қўшилиш учун Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) тақдим этиб, қуйидагича келишиб олдилар::

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома Банк томонидан Мижознинг аризасига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ мижозга банк ҳисобварақларини (бундан буён матнда - “ҳисобварақ”) очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизматларини кўрсатиш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

1.2. Шартнома Мижознинг миллий ва чет эл валютадаги, бирламчи ва иккиламчи талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварақларига, шунингдек ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ҳисобварақларга хизмат кўрсатиш шартларини белгилайди.

1.3. Банк томонидан амалга ошириладиган кредитлаш, факторинг, молиявий лизинг, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш ва сақлаш, қимматли қоғозларни бошқариш, андеррайтинг ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш, банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш, кафолат ва кафиллик бериш ҳамда халқаро банк амалиётига мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатилиши ва уларга белгиланадиган фоизлар ставкаси ва хизмат ҳақлари тарифлари, шунингдек мижоз томонидан маблағларни жамғариладиган ва муддатли депозитларга жойлаштириш алоҳида шартномалар билан тартибга солинади.

1.4. Мижозни ушбу шартнома матни билан таништириш мақсадида банк филиалларида (офисларида) ва банкнинг корпоратив веб-сайтидаги (офб.уз) ахборот стендларига Шартнома ва Тарифлар (амалдаги таҳрирда) жойлаштирилади, шунингдек улар Банк масъул ходимининг иш столида жойлашган бўлади.

1.5. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Мижозга Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилади. Мижоз шартнома матнининг чоп этилган бир нусхасини олиш ҳуқуқига эга.

2. ТУШУНЧА ВА ТЕРМИНЛАР

2.1. Мазкур шартномада қуйидаги тушунча ва терминлардан фойдаланилади:

Банк ҳисобварағи - Мижознинг шартномаларга қўшилиш тўғрисида берган Аризасига мувофиқ Банк томонидан Мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра Банк ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш, ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва кирим қилиш, Мижознинг тегишли пул маблағларини ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш учун берган топшириқномаларини бажариш мажбуриятини олади.

Корпоратив мижозлар - Банк тизимида банк ҳисобварақлари юритиладиган юридик шахслар, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар.

Тариф - Мижоз ёки Корхона ҳисобварағига кўрсатилган хизматлар ва амалга оширилган операциялар учун Банк фойдасига тўланадиган комиссия тўлов. Тарифлар алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилади ва имзоланади ҳамда Ариза ва Банк ҳисобварақларига ҳисоб кўрсатиш шартномаларининг иловаси ҳисобланади.

Пакет тарифи - бу Банк Тарифларидан алоҳида ажратиб олинган хизматлар тўплами бўлиб, ўзида стандарт хизматлар ва тўловларни жамлаган махсус таклиф. Ушбу таклифдан фойдаланиш Мижоз учун фақат маълум бир пакет тарифи учун белгиланган талабларга жавоб берган тақдирдагина мумкин бўлади. Агар пакет тарифи шартлари бажарилмаса, пакет тарифи бекор қилинади. Ушбу ҳолатда, Мижоз автоматик равишда асосий тарифга ўтказилади ёки ушбу Шартномада назарда тутилган чоралар қўлланилади. Пакет тарифига уланиш Мижоз аризаси асосида амалга оширилади (ариза шакли эркин).

Шартномага қўшилиш тўғрисида Ариза (Ариза) - Банк томонидан белгиланган шаклдаги Мижоз томонидан тўлдириладиган ва имзоланадиган миллив ва хорижий валютада Банк ҳисоб варақларига хизмат кўрсатиш бўйича шартнома шартларига қўшилиш тўғрисидаги Мижознинг хоҳиш иродасини ўзида акс эттирган Ариза.

Шартнома - Қўйидаги ҳужжатлар жамланмаси: Шартномага қўшилиш тўғрисида Ариза (Ариза) (бундай Ариза шартномаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади), Банк ҳисоб варағига қўшилиш шартномаси, “ОФБ Сорпорате” (веб ва мобил версия) тизимидан фойдаланган ҳолда банк ҳисобварағини юритиш бўйича Қўшилиш шартномаси, ҳамда Банк хизматлари кўрсатиш бўйича Мижоз билан Банк ўртасида имзоланган Тариф.

Мижозни лозим даражада текшириш - мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, мижознинг бенефитсиар мулкдорини идентификатсиялаш, шунингдек мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш..

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк мазкур шартномага асосан қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.1.1. Мижознинг топшириғига кўра қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳисоб-китоб ва касса амалиётларини амалга оширади. Жумладан:

- Мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжати Банкка келиб тушган куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечиктирмай қабул қилади ва Мижоз ҳисобварағига киритади;

- Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжатлари асосида ўтказиш (тўлаш) тўғрисидаги топшириқларини бажаради;

- Мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномаларини қонунчилиги доирасида ижро қилади;

- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоздан нақд пул маблағларини қабул қилади ва беради;

- Бошқа ҳисоб-китоб, касса хизматларини кўрсатади (Банк ва Мижоз ўртасида алоҳида шартномалар асосида тартибга солинадиган муносабатлар бундан мустасно).

3.1.2. Мижоз ҳисобварағидан фақат унинг топшириғи бўйича ёки унинг розилиги билан Банкка тўлов ҳужжати келиб тушган кун ёки келгуси иш кунидан кечиктирмай маблағларни (қонунчиликда ва мазкур Шартномада кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) ҳисобдан чиқаради. Мижознинг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаган ёки этарли маблағ бўлмаган тақдирда, Банк тўланмаган тўлов ҳужжати суммасини 2-сонли картотекага жойлаштиради (қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

3.1.3. Банк томонидан тижорат мақсадида ишга туширилган махсус платформалар (Интернет банкинг, онлайн-банкнинг ва бошқалар) орқали масофавий банк хизматларини кўрсатиш. (Бунда хизмат кўрсатиш тартиби банкнинг иш кунига мослаштирилиши мумкин)

3.1.4. Банк Мижозга “OFB Corporate” тизими орқали банк хизматларни 24/7 иш тартибида (режимида) кўрсатади.

3.1.5. Мижоз топшириғига асосан ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Пул ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатлари Банк томонидан ижрога фақат Мижознинг тақдим қилган муҳри ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ва Мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

3.1.6. Тўлов ҳужжатларини қабул қилишда барча зарур реквизитларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатини ижросини таъминлайди.

3.1.7. Мижозни касса ҳужжатлари (нақд пул топшириш эълонномалари ва бошқа зарур бланклар) билан бепул таъминлайди.

3.1.8. Мижознинг талабига мувофиқ унинг ўзига ёки унинг ишончли вакилига ҳисобварақдан кўчирмалар ва бошқа тегишли ҳужжатларни беради.

3.1.9. Мижозга таалуқли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

3.1.10. Мижоз ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларини бут сақланишини таъминлайди.

3.1.11. Мижознинг ҳисобварағида эркин маблағ бўлганда ёки маблағ этишмаганлиги сабабли маблағларни банд қилишга брон мавжуд бўлган ҳолларда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия пулларини биринчи талабдаёқ берилишини таъминлайди.

3.2. Мижоз иш ҳақи лойиҳаси амалга оширилишини тасдиқлаган ҳолда пул маблағлари ва баённомаларни олгандан сўнг бир иш куни мобайнида мижоз ходимларининг ССКСларига пул маблағларини ўтказиш.

3.3. Мижознинг банк ҳисобварағидан ва (ёки) банк омонати (шу жумладан банк карталарини) мижознинг топшириғисиз кредитлар, микролизинг ва лизинг бўйича қарзларни қайтариш учун пул маблағларини ўтказганда, бундай ўтказма амалга оширилган санадан кейинги кундан кечиктирмасдан ўтказма суммаси, сабаби ва кимнинг фойдасига ўтказилганлигини кўрсатган ҳолда Мижозни хабардор қилади. Хабардор қилиш усули Мижоз томонидан Аризани имзолаш пайтида белгиланади.

3.4. Банк қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Мижознинг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин..

3.5. *Мижоз мазкур шартномага асосан қўйидаги мажбуриятларини ўз зиммасига олади:*

3.5.1. Банкка ҳисобварақ очиш ва ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

3.5.2. Банкда белгиланган иш вақти, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя қилади.

3.5.3. Мижознинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун нақд пулни олиш санасидан 5 (беш) кун олдин Банкка белгиланган шаклдаги нақд пул олиш аризасини тақдим этади. Банк ва Мижоз ўртасида бошқа муддат келишилган бо ўлиши мумкин.

3.5.4. Мижознинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун ҳар чорак бошланишидан 30 кун олдин Банкка белгиланган шаклда касса буюртмасини тақдим этади.

3.5.5. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар олишнинг календар жадвалига мувофиқ пул чекини Банкка нақд пул олиш кунидан бир кун олдин тақдим этади.

3.5.6. Тўловларни амалга ошириш учун ўзининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида этарли пул маблағларига эга бўлади.

3.5.7. Кўрсатилган банк хизматлари бўйича тўловларни мазкур Шартноманинг 5-бўлимида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

3.5.8. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга оид қонунчилик ҳужжатларига биноан Банк талабига кўра маълумотларни тақдим этади.

3.5.9. Агар Мижознинг ташкилий ҳуқуқий шаклида, юридик манзилида ўзгариш содир бўлса, тўлов ҳужжатларига имзо қўйиш ваколатига эга бўлган янги раҳбар ва/ёки бош бухгалтери тайинланганда, Мижоз ушбу ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида Банкни хабардор қилади ва тегишли ҳужжатларни банкка тақдим қилади.

3.5.10. Агар мижоз иш ҳақи лойиҳасининг амалга оширилишини тасдиқлаган бўлса, ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида Мижоз ходимларининг рўйхатини банк талабларига жавоб берадиган шаклда қоғоз ва электрон тарзда тақдим этиши лозим, бунда қуйидагилар акс этган бўлиши керак:

- Ходимнинг Ф.И.Ш. тўлиқ (лотин ва кирилл алифбосида)
- Туғилган санаси
- Паспорт маълумотлари (серия ва рақами, ким томонидан қачон берилган)
- Рўйхатдан ўтган яшаш манзили
- Ҳақиқатда яшаш манзили
- Алоқа телефонлари

3.5.11. Мижознинг ходимларига ойлик иш ҳақи тўлаш учун баёнот (ведомостб)ни қоғоз

шаклида, Мисрософт Эхсел форматдаги электрон файл кўринишида ёки уларни Интернет-банкнинг орқали куйидаги форматда юбориш орқали тақдим этиш:

- Ходимнинг Карта рақами (16 та белгидан иборат)
- ССКСга кирим қилиниши лозим бўлган сумма
- Сўм картада кўрсатилгани каби Ходимнинг Ф.И.Ш. лотин алифбосида

3.5.12. Банкнинг биринчи сўровига кўра, лозим даражада текшириш ва банк томонидан ушбу шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш.

3.5.13. Ҳисобот ойининг охиридаги ҳисобдаги минимал қолдиқ танланган пакет тарифи учун белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаши лозим.

3.5.14. Агар ҳисобварақадаги қолдиқ танланган пакет тарифи учун белгиланган минимал миқдордан камайса, бир ой муддат ичида қолдиқни белгиланган минимал даражага етказиш.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Мазкур шартнома бўйича ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда Мижозни лозим даражада текшириш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мижоздан зарур ҳужжатларни сўраш;

4.1.2. Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, Банк томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидалар, шунингдек, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз муддатида тақдим қилиш тартиби бузилиши ҳолатлари юзага келганда Банк ҳисоб- китоб, касса операциясини бажаришни тўхтатиш чорасини кўриш, яъни, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ операцияни тўхтатиб туриш ҳамда қонунчиликка зид бўлган операцияларни бажаришни рад этиш;

4.1.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда Мижоз ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ёки уларни бажаришни рад этиш;

4.1.4. Мижознинг ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидан ҳисобвараққа талаблар қўйилган вақтда маблағларнинг мавжуд бўлишини ва ҳисобварақ эгасининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши;

4.1.5. Қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ Мижоз ҳисобварағидан бюджет даромадига, бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши лозим бўлган тўловларни ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда Мижознинг розилигисиз (актсептсиз) унинг ҳисобварағидан маблағлар ўтказиш;

4.1.6. Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга хабар бериб, операцияларни амалга оширишни тўхтатиш;

4.1.7. Мижознинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг иккиламчи ҳисобварақлари (Ҳукумат қарорлари асосида очилган мақсадли, аккредитив, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари бундан мустасно)дан маблағларни асосий депозит ҳисобвараққа ўтказиш, 2-сон картотекаси мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот олинганга қадар пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларни қабул қилишни ва Мижознинг асосий ҳисобварағига бўлган тўловлардан ташқари бошқа тўловларни амалга оширишни тўхтатиб қўйиш;

4.1.8. Банк иш куни яқунланиб, баланс ҳисоботи тузилганидан сўнг, хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақларга кейинги банк иш куни тескари бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан ҳисобварақлардан тегишли суммаларни Мижознинг розилигисиз ҳисобдан чиқариш;

4.1.9. Банк томонидан бюджетга маблағларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида солиқ органларининг кўрсатмаларига асосан, хўжалик юритувчи субъектнинг миллий валютасидаги ҳисобварақларида талабларни қондириш учун маблағ етарли бўлмаган тақдирда, Банк томонидан кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағларнинг бир қисмини ушбу талабларни қондириш учун зарур бўлган миқдорда Банк томонидан белгиланган хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан курси бўйича сўндиради.

4.1.10. Улгуржи савдо корхоналарининг ягона солиқ тўловини тўлаши учун олдиндан тўловни амалга ошириш;

4.1.11. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда ва тартибда мижозларнинг ташқи савдо контрактларини мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш.

4.1.12. Мазкур шартнома ҳамда Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа шартномалар (кредит, лизинг, кафиллик, гаров, факторинг, аккредитив, кафолат ва кафиллик бериш ва бошқалар)га асосан Мижознинг Банк олдида юзага келган қарздорлиги бўйича Мижознинг барча ҳисобварақларидаги мавжуд маблағларни Фуқаролик кодексининг 780 ва 783-моддаларига мувофиқ Мижознинг топшириғисиз ва розилиғисиз эчиб олиш.

4.1.13. Агар Мижоз иш ҳақи лойиҳасини амалга оширилишини тасдиқлаган бўлсада, Мижоз томонидан баёнот (ведомосто) берилмаган бўлса, баёнот (ведомосто)да Ходимнинг Ф.И.Ш. ва ҳисоб рақамида тафовутлар мавжуд бўлса, ҳисоб рақам ёки Ходимнинг номи мавжуд бўлмаса, шунингдек кирим қилинадиган маблағлар ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан боғлиқ бўлмаса, Банк Мижоз Ходимларининг ССКСларига пул маблағларини кирим қилмаслик.

4.1.14. Банк хизматлари тарифларини бир томонлама тартибда қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда бу ҳақда тегишли маълумотларни Банк сайтида (www.ofb.uz), Банк биносида ва Банк хизматлари марказлари/офисларида жойлаштириш орқали тарифлар кучга киришидан 10 календар кун олдин Мижозни хабардор қилиш.

4.1.15. Агар Мижоз пакет тариф талабларини бажармаса, Мижознинг розилиғисиз уни базавий тариф хизматига ўтказиш.

4.1.16. Мижоз томонидан ҳисобварақдаги минимал қолдиқни сақлаш талаблари бажарилмаганда, шунингдек ҳисобварақ очилган кундан бошлаб 100 (юз) календарь куни давомида у бўйича ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаган тақдирда, шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ҳисобварақни ёпиш.

4.1.17. Банк исталган алоқа каналлари орқали Мижозга эҳтиёт чоралари ва фирибгарлик хавфлари тўғрисида ахборот хабарларини юбориш ҳуқуқига эга. Бунда, учинчи шахсларнинг фирибгарлик ҳаракатлари натижасида, шунингдек, Мижоз томонидан маълумотлар учинчи шахсларга берилиши ёки эҳтиёт чораларига риоя қилинмаслиги оқибатида юзага келган зарарлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

4.2. Мижознинг ҳуқуқлари:

4.2.1. Ўзининг ҳисобварағидаги маблағларини қонунчиликка биноан эркин тасарруф этиш;

4.2.2. Ҳисоб-китоб ва касса хизматлари бўйича Банкка топшириқлар бериш, инкассо бўйича талабномалар тақдим этиш, топшириқларни ўз вақтида бажаришини талаб қилиш;

4.2.3. Иш ҳақи тўлаш жадвалига мувофиқ асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида маблағлари ва брон мавжуд бўлганда, қонунчиликка мувофиқ нақд пул маблағларини олиш;

4.2.4. Банкдан белгиланган жойга бориб тушмаган пул маблағларини қидириш, аниқлаш ва қайтаришда ёрдам сўраш;

4.2.5. Ўзбекистон Республикасининг Банк қонунчилиги ва уларда бўлаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида ахборотлар олиш.

4.2.6. Тўлов амалга оширилгандан кейинги банк иш кунида ҳисоб варақдан кўчирмалар олиш.

4.2.7. Эътирозлар бўлган тақдирда, бу ҳақда Банк раҳбариятига ёзма тарзда тақдим этиш.

5. ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ТўЛАШ ШАРТЛАРИ

Агар Мижоз иш ҳақи лойиҳасини амалга ошириш зарурлигини тўғрисидаги тегишли имзоси (Аризада “ҲА” белгиси имзоланган) бўлса, бу бўлимдаги шартлари амал қилади

5.1. Мижоз иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ходимларининг рўйхатини мазкур шартноманинг 3.5.9-3.5.10 бандларида назарда тутилган шартларга мувофиқ тақдим этади;

5.2. Банк мижознинг ҳар бир ходими билан сўм Банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузади ва ҳар бир ходим учун махсус карта ҳисобварағини очади (бундан буён матнда ССКС деб юритилади);

5.3. Ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ССКСга кирим қилиниши учун Мижоз:

5.3.1. Мижознинг баёнотида (ведомосто) кўрсатилган ССКС га кирим қилиниши лозим

бўлган пул маблағларини Банкда очилган 23106 ҳисобварағи (хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича пластик карточкаларига кирим қилинадиган маблағларнинг транзит ҳисобварақлари)га кирим қилади..

5.3.2. Мижознинг ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун Банкка баёнот (ведомостб) тақдим этади. Баёнотлар (ведомости) Банк томонидан белгиланган шаклда Мижоз томонидан шакллантирилади ва Банкка қоғоз шаклида ва Банк билан мижоз ўртасида келишилган манзилга электрон шаклда ёки электрон ташувчида (носитель) тақдим этилади.

6. БАНК СИРИ

6.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларининг сир сақланишини кафолатлайди.

6.2. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат Мижознинг ёзма равишдаги мурожаатига асосан унинг ўзига ёки унинг вакилига берилиши мумкин.

6.3. Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

7. БАНК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб Мижоз Банк томонидан белгиланган тарифларга (кейинги ўринларда - “Тарифлар” деб юритилади) ёки танланган пакетли тариф шартларига мувофиқ тўловларни амалга оширади (Бунда олдин имзоланган ва келишилган комиссия ставкалари Мижоз учун ўзгартиришсиз қолади).

7.2. Мижозга кўрсатилган хизматлари учун тўловлар Фуқаролик кодексининг 780 ва 783-моддаларига мувофиқ Мижознинг топшириғисиз ва розилигиз тегишли суммани оининг охирига қадар (ой давомида) Мижознинг ҳисобварағидан эчиб олиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур шартнома бекор қилинган тақдирда, тўлик хизмат кўрсатилмаган ой учун хизмат ҳақи (комиссия) тўлиқ ой учун Тарифда белгиланган миқдорда ушлаб қолинади.

7.3. Белгиланган банк тарифлари ўзгарган тақдирда, Банк мижозни тегишли ўзгартиришлар кучга киришидан 10 (ўн) календар кун олдин киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида хабарни Мижозни Банк веб-сайтида, Банк биносида жойлаштириш ёки ёзма хабарни юбориш орқали хабардор қилади. Янги тарифлар кчга киргунга қадар Мижоз янги тарифларни қабул қилишдан бош тортиши ёки ушбу давр мобайнида тариф даражалари бўйича келишиб олиши керак. Агар ушбу муддат давомида Мижоздан рад жавоби олинмаса ёки тариф ставкалари келишилмаган бўлса, у ҳолда Мижоз учун янги тарифлар қайд этиб ўтилган муддат тугаганидан сўнг кучга киради. Бироқ, янги тарифлар кучга киргандан сўнг, Мижоз тарифлар бўйича келишиш ҳуқуқини йўқотмайди.

7.4. Банкда ўрнатилган Тарифлар ўзгарган тақдирда, Банк Мижозни Тарифлар ўзгарганлиги ҳақида ўзининг веб-сайтида, биносида тегишли эълонни жойлаштириш йўли билан ёки ёзма маълумот юбориш орқали хабар қилади. Ёзма маълумот юбориладиган тақдирда, бундай маълумот мазкур Шартномада кўрсатилган Мижознинг манзилига ёхуд Мижоз томонидан қўшимча тарзда берилган манзилига юборилади ёки Мижознинг банк ҳужжатларини олишга тайинланган ваколатли вакилига топширилади.

8. ТАРАФЛАР ТАСДИҚЛАЙДИ ВА ШАҲОДАТЛАЙДИ

8.1. Тарафлар Шартноманинг барча шартлари (тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш тартиби, комиссиялар миқдори ва тўлов тартиби ва бошқалар) барча Тарафлар томонидан келишилганлигини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслигини тасдиқлайди.

8.2. Мижоз онгли равишда ва ўз ихтиёри асосида имзолаган Шартнома бўйича комиссия ва бошқа тўловлар миқдори билан таниш ва рози, Шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари маълум ва тушунарли.

8.3. Тарафлар Шартнома матни билан танишиб чиқиб, Шартноманинг матни ва шартлари Шартнома тузилаётган тилга тушунарли эканлигини ва Шартнома матнига эътирозлари

йўқлигини ушбу Шартномани имзолаш орқали маълум қилишади.

8.4. Мижоз қуйидагиларни тасдиқлайди ва шаҳодатлайди:

8.4.1. Банкка тақдим этилган/ тақдим этиладиган барча ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санадан ҳақиқий ва ишончли деб ҳисобланади.

8.4.2. Учинчи шахсларнинг барча қонуний пул талаблари, агар қонунда бундай розилик назарда тутилмаган бўлса, Банк Мижознинг олдиндан розилигисиз амалга оширилади.

8.4.3. Мижоз ҳисобварағи билан боғлиқ учинчи шахслардан олинган ҳар қандай даъволарни мустақил равишда ҳал қилади.

8.4.4. Мижоз Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва ушбу мажбуриятлар ҳуқуқий кучга эгаллигини маълум қилади;

8.4.5. Белгиланган тартибда қўшилиш йўли билан ушбу Шартномани имзолаган шахс тегишли тартибда бундай ваколатга эга ва Мижоз Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга.

9. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга этказилган зарарни тўлайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

9.2. Банкнинг жавобгарлиги

9.2.1. Банк Мижоз ҳисобварағи бўйича операцияларни ўз вақтида амалга оширилишига жавобгардир.

9.2.2. Банк Мижознинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларини ноқонуний ва асоссиз равишда ошкор қилганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардир.

9.2.3. Мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, Марказий банк томонидан белгиланган тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,01 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

9.2.4. Банк томонидан электрон тўловларни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, у Мижозга кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасини 0,1 фоизи миқдорида, бироқ кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.2.5. Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари этарли бўлишига қарамасдан, Банк иш ҳақи ва қонунчиликда белгиланган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул билан таъминлашни кечиктирган ҳолларда қонунчиликда белгиланган тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9.2.6. Банк Мижознинг шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли равишда бажармаганлиги учун кредиторларга тўлаши лозим бўлган неустойканинг ҳисобланишига ва ундирилишига жавобгар бўлмайди.

9.3. Мижознинг жавобгарлиги:

9.3.1. Мижоз ҳисобварағига хато (нотўғри) келиб тушган маблағлар тўғрисида, у ҳисобварақдан кўчирма олгандан сўнг 2 (икки) иш кунда Банкка уни қайтариш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этмаса, кечиктирилган хар бир кун учун нотўғри келиб тушган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида Банкка пеня тўлайди. Бироқ, ҳисобланган пеняларнинг умумий суммаси нотўғри келиб тушган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.3.2. Ушбу Шартнома бўйича хизматлар учун тўловларни тўламаган тақдирда, Мижоз Банкка кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,1 фоиз миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

9.3.3. Мижоз банк ҳисобварағи бўйича ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги, Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар, уларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига учун жавобгардир.

9.3.4. Мижоз Банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини ўз вақтида кассасига кириш қилиш ва белгиланган мақсадлар учун сарфлаши ҳамда касса интизомига риоя этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9.3.5. Мижоз Банкка касса буюртманомаларини ўз вақтида тақдим этилиши ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

9.3.6. Мижоз иш ҳақи лойиҳасининг амалга оширилишини тасдиқлаган бўлса, ўз ходимлари тўғрисида тақдим этилган маълумотлар учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

10. БАНКНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Банк қўйидаги ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади:

- а)** банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда;
- б)** тўловлар Мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишида йўл қўйилган нуқсонлар натижасида кечиктирилганда;
- в)** мижознинг ҳисобварақлари орқали операцияларнинг амалга оширилиши қонунчиликка мувофиқ тўхтатилганда;
- г)** нақд пул олиш учун зарур бўлган тўлов ҳужжатлари ўз муддатида тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар ва хатоликлар мавжуд бўлганда;
- д)** электрэнергияси бўлмаган ҳолларда ҳамда форс-мажор вазиятларда;
- е)** халқаро банклараро молиявий тўлов телекоммуникатсия тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда;

Шуниндек, Банк ҳар қандай давлатлар (масалан, ОФАС ва УЕ) ёхуд халқаро ташкилотлар (жумладан, лекин булар билан чекланиб қолмасдан ФАТФ ва БМТ) юрисдиктсияси билан қўлланилган санкцияларга риоя қилган ҳолда, мижознинг ҳар қандай амалиётини бажаришни рад қилиниши натижасида этказилган зарар ва бой берилган фойда ни тўлаш бўйича жавобгарликдан озод қилинади.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу Шартнома бўйича келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Тарафлар ўртасидаги низолар ўзаро келишув асосида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

11.2. Агар музокаралар натижасида Тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришишнинг иложи бўлмаса, низолар қуйида келтириб ўтилган тартибда ҳал қилинади:

11.2.1. Банкнинг кредит ажратган ҳудудий таркибий бўлинмаси (Амалиёт бошқармаси, филиали, БХМ ва БХО) жойлашган ҳудуддаги тегишли (шаҳар/туман) судида кўриб чиқилади.

11.2.2. Ёки Ўзбекистон Ресубликаси Савдо-саноат палатаси қошидаги Ҳакамлик судида унинг регламентига мувофиқ, Ўзбекистон Ресубликаси Савдо-саноат палатаси қошидаги Ҳакамлик судининг раиси томонидан тайинланадиган таркиби битта судядан иборат бўлади. Ҳакамлик судининг қарори томнолар учун якуний деб ҳисобланади.

11.3. Юқорида қайд этиб ўтилган судлардан бирига даъво аризасини беришни танлаш Даъвогар ҳуқуқи ҳисобланади.

11.4. Низолар юзага келганда барча банк ёзувлари ва кўчирмалари мазкур Шартнома бўйича тарафларнинг мажбуриятларини исботловчи асосий (прима фасие) далил деб ҳисобланади.

11.5. Мижоз ва учинчи шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро даъволар ва низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк иштирокисиз кўриб чиқилади.

12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ва воситачилари бирор ноқонуний устунликка ёки бошқа имтиёзларга эришиш учун бирор бир шахсга, унинг ҳаракатлари ёки қарорига таъсир ўтказиш мақсадида, бевосита ёки билвосита бирор бир пул маблағлари ёки қимматликларни тўламайди, тўлашни таклиф этмайди ва бундай тўловни амалга оширишга рухсат бермайди.

12.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ва воситачилари амалдаги қонунчилик билан пора бериш/пора олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш каби таснифланадиган ҳаракатларни, шунингдек амалдаги қонунчилик ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмга қарши курашишга доир халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

12.3. Шартноманинг ҳар бир Тарафи бошқа Тарафнинг ходимларини рағбатлантиришдан, шу жумладан ходимларга пул маблағлари, совғалар бериш ва улар учун текин ишлар (хизматлар)ни бажариш ва бошқа йўллар орқали уларни маълум бир тобеликка олиб келиши мумкин бўлган ва рағбатлантирувчи томоннинг фойдасига ходимлар бирор бир хатти-ҳаракатларни бажаришларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлардан воз кечадилар.

12.4. Тарафларда ҳар қандай коррупцияга қарши шартлар бузилганлиги ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан шубҳа туғилганда, тегишли тараф ёзма равишда ёки ишонч телефони орқали оғзаки тарзда бошқа тарафни хабардор қилади.

13. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

13.1. Мижоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади. Банк Мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хошишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ва мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

13.2. Мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларини ўтказиш тартиби Тарафлар учун мажбурий бўлган Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади.

13.3. Мижоз ўзи сотиб олаётган товарнинг муомаладан чиқарилмаганлигини, тақиқ ўрнатилмаганлигини, чекловлар йўқлигини ёки халқаро ташкилотлар ва давлатлар томонидан санкциялар қўлланилмаганлигини мустақил текшириш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

13.4. Мижоз ҳорижий банк ёки молия институтларидан ҳорижий валютади инвестиция, кредит ёки қарз жалб қилиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, мазкур шартномада инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиш (мақсадли ёки мақсадсиз ва сарфлашнинг бошқа шартлари), махсус ҳисоб рақам очиш (Ҳукумат қарори асосида) ва мазкур ҳисоб рақам орқали инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиб ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилган бўлса, Мижоз номига айнан шу инвестиция, кредит ёки қарз маблағларидан фойдаланиш учун очилган махсус ҳисобрақамлар орқали ҳисоб-китоблар Мижоз, Банк ҳамда Ҳорижий Банк (агар бу инвестиция, кредит ва қарз бериш шартномасида назарда тутилган бўлса) ўртасида имзоланган алоҳида шартнома (кейинги ўринларда - "Алоҳида шартнома") асосида амалга оширилади.

Агар юқорида эслатиб ўтилган Алоҳида шартнома шартлари мазкур Банк ҳисобварағи шартномаси шартларига зид бўлган тақдирда, Мижоз, Банк ҳамда Ҳорижий Банк ўртасида имзоланган Алоҳида шартномада белгиланган чекловлар Мижознинг манфаатларига зид эмаслиги ҳамда ушбу чекловлар юзасидан Банкка ҳеч қандай эътироз ёқлигини тасдиқлайди.

13.5. Мижоз ҳар қандай банк амалиётини ўтказишдан олдин маблағларни олувчи шахс ОФАС, ФАТФ, УЕ(ЕС) ва БМТ(УН)нинг санкциялари рўйхатига киритилмаганлигини текшириш маъсулиятини ва таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Санкция қўлланилган шахсларга ўтказилаётган маблағлар ҳорижий вакил-банк томонидан блокировка қилиниши (музлатиб қўйилиши) мумкин. Бунда Банк Мижознинг маблағларини ҳорижий вакил-банк томонидан блокировка қилинганлиги (музлатиб қўйилганлиги) учун жавобгар бўлмайди.

13.6. Мижознинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи қолдиғига, шунингдек унинг ҳисобварағи ёпилиб, ундаги қолдиқлар 29842-сонли ҳисобвараққа (Харакатсиз депозит мажбуриятлари) ўтказилган тақдирда, ушбу қолдиқ суммаларига фоизлар ҳисобланмайди;

13.7. Мазкур шартномага мувофиқ Мижозга миллий валютада иккиламчи ҳисобварақ очилиб, банк хизмати кўрсатилишида, Мижозга нақд пул маблағлари (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар)ни берилиши ва олишга доир ушбу шартноманинг шартлари қўлланилмайди ва татбиқ этилмайди. Мижознинг миллий валютада иккиламчи ҳисобварағининг юритилиши ва у бўйича барча банк операциялари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.8. Тарафлар тижорат сирини махфийлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўришга мажбурдирлар.

14. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

14.1. Шартнома тузилганидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғин, зилзила ва табиий офатнинг бошқа кўринишлари, уруш, эпидемия, эпизотия ҳамда шу каби олдини олиш имконияти бўлмаган ҳодисалар ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг бекор бўлиши ёхуд уларга киритилган ўзгартиришлар туфайли ушбу шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда шартнома томонларидан ҳеч бири жавобгар бўлмайдилар.

15. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

15.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва номуайян муддатга

тузилган бўлиб, мижознинг аризасига кўра ёки Банк талаби билан суд томонидан бекор қилинмагунча амалда бўлади.

15.2. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва / ёки қўшимчалар (шу жумладан, банк томонидан шартномани янги таҳрирда тасдиқлаш) банк томонидан мустақил равишда амалга оширилади, Тарифларни ўзгартириш бундан мустасно. Тариф ва унга ўзгаришларни киритиш бўйича қўшимча имзолаш йўли билан амалга оширилади.

15.3. Шартномага ўзгартириш ва / ёки қўшимчалар кучга кириши учун Банк ахборотни ошкор қилиш тартибига амал қилади.

15.4. Шартномага ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида Банк Мижозни мазкур ўзгариш ва қўшимчалар кучга кириш санасидан 10 (ўн) календар кундан кам бўлмаган муддатда қуйидаги йўллар билан ҳар қандай ахборот олдиндан ошкор қилиш орқали хабардор қилади:

- а)** бундай маълумотларни Банк веб-сайти (офб.уз)га жойлаштириш;
- б)** банкнинг мижозларга хизмат кўрсатувчи таркибий бўлинмаларида ахборот стендларига эълонларни жойлаштириш;
- в)** электрон почта орқали ахборот хабарларини юбориш;
- г)** мижозга ахборот олиш ва бундай ахборот Банкдан келиб тушишини белгилашга имкон берувчи бошқа усуллар.

15.5. Мазкур шартнома мижознинг аризасига кўра хоҳлаган вақтда Мижоз томонидан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча тўловлар тўла амалга оширилгандан сўнг ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

15.6. Банкнинг ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда Шартнома бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин:

- 15.6.1.** пакет тарифининг минимал талабларига риоя қилинмаса;
- 15.6.2.** кетма-кет 3 (уч) ой давомида Мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлмаса;
- 15.6.3.** ҳисобварақ очилган кундан бошлаб 100 (юз) календар кун ичида ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилмаганда;

Шартномани бир томонлама бекор қилиш бошланган тақдирда, Банк Мижозга Шартномани бекор қилиши тўғрисидаги билдиришномани бекор қилиш қутилаётган санадан 10 (ўн) календар кун олдин юборади. Хабарномада Шартномани бекор қилиш сабаблари кўрсатилади. Шартномани бекор қилишга, агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловлар (прокуратура ва ички ишлар органларининг қарорлари, суд ҳужжатлари ва бошқалар) бўлмаса, йўл қўйилади.

15.7. Ушбу шартнома Банкнинг талаби билан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

15.8. Шартнома бекор қилингандан сўнг, Мижознинг ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи қуйидаги шартларда ўтказилади:

15.8.1. агар Мижознинг иккиламчи ҳисоб рақами бўлса ва асосий ҳисоб рақами бошқа банкда жойлашган бўлса, у ҳолда Банк иккиламчи ҳисобварақдаги маблағлар қолдиғини (агар воситачилик ҳақи мавжуд бўлса, ушлаб қолган ҳолда) Мижознинг асосий депозит ҳисобварағига ўтказиши;

15.8.2. агар Мижознинг асосий ҳисоб рақами бўлса (ва бошқа банкларда иккиламчи ҳисобварақлар мавжуд бўлмаса), у ҳолда Банк пул маблағлар қолдиғини 29842 - сонли (Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари) ҳисобвараққа ўтказиши.

Мижознинг пул маблағлари 29842 - сонли ҳисобварағида Мижоз уларни ечиб олиш учун ариза топширунига қадар сақланади. Мижознинг тегишли ёзма аризасига асосан 29842 ҳисобварағидаги маблағ қолдиғи ариза келиб тушган кундан бошлаб 7 (етти) кун ичида Мижоз томонидан аризада кўрсатиб ўтилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

15.9. Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш Мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади.

16. ШАРТНОМАНING БОШҚА ШАРТЛАРИ

16.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган томонлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу шартномага барча қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мижоз илтимосига кўра Шартнома матни ўзбек тилида кирил алифбосида тузилди. Мижоз

Шартнома ёзилган алифбога қарши эмаслигини билдиради.